

# Сийрат дарслари (101-дарс). Маййитга уч нарса эргашади...



13:04 / 04.09.2020 3807

407. Умму Холид бинт Саъид ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабр азобидан паноҳ сўраётганларини эшитдим».

*Бухорий ривоят қилган.*

408. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» (ояти) қабр азоби ҳақида нозил бўлган. Шунда унга: «Роббинг ким?» дейилади. «Роббим - Аллоҳ, Пайғамбарим - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейди. Мана шу Аллоҳ аzza ва жалланинг «Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» деган сўзидир».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

409. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Маййитга уч нарса эргашади. Иккитаси қайтиб, биттаси у билан қолади. Унга аҳли, моли ва амали эргашади. Аҳли ва моли қайтади, амали қолади»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**